



2 Қишлоқ шифокори

3 Сил хасталиги насл сурмайди



6 Сохта ногиронлик

8 Кузакда тикилган дўппилар



БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН!




Педагогика фанлари номзоди, доцент Талъат Гаффорова номини нафақат Қашқадарё воҳасида, балки бутун республикамизда ҳам ҳурмат билан тилга олишади. Ўзининг ярим асрлик илмий-амалий фаолияти давомида бошланғич синф ўқувчилари учун яратган ўнлаб она тили ва ўқиш дарсликларидан баҳраманд бўлмаган хонадон йўқ, десак адашмаймиз. Энг қувончлиси, олима ўзининг “митти ватани” — оиласида меҳрибон она, оқила бека бўлиб, элик йилки, моҳир педагог Абдуқоҳҳор Ҳайдаров билан тинч-тотув, аҳил яшаб келмоқда. Уларнинг оиласи фарзандлар таълим-тарбияси бобида ҳам энг намунали хонадон сифатида доврўқ қозонган.

Шавкат СУЛТОНОВ сурат-лавҳаси.

ЎЙИНГИЗГА МЕҲМОН КЕЛДИ...



Ўзбек халқига таъриф берилганида, энг аввало, меҳмондўст, бағрикенг деган иборалар қўлланилади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки халқимиз меҳмонни шу қадар яхши кўрадики, ҳатто мусича дон ташласа, пиёлада чой шамаси тик турса ёки тушда йўл-йўл нарсалар кўринса, бари-бариси меҳмон келишига йўйилади. Бувиларимиз қизларию келинларига меҳмон кутишга ҳамisha ҳозир но-зир бўлиб туриш, бирор жойга борганида ўзини қандай тутишининг тартиб-қоидаларини ўргатиб келишган. Хўш, бугун ана шундай улўқ кадрятларимизга қай даражада амал қилапмиз?



Ушбу сонда:

Кўнгилдилар кўмак беришмоқда	2
Қандли диабет ойлиги бошланди	3
Бепарволик қимматга тушади	5
Қайси ёшлагилар кўпроқ ажрашмоқда?	6
«Валпотачи»лар қўлга тушиди	7
Таэквондочиларимизга тенг келадиганлари топилмади	8

«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ»

акциядорлик компанияси — доимий ҳамкоримиз!

“ОБУНА — 2012”

Индекс — 176

“Оила ва жамият”

газетасини ўз оиласининг яна бир ҳақиқий аъзоси сифатида қадрлаб, биз билан ҳамфикр, ҳаммаслак бўлиб келадиган муҳтарам муштарийлар!

Унутманг, сеvimли газетангизга обуна давом этмоқда.



Кўнгиллилар тизими шакллантирилади

Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Республика ОИТСга қарши кураш маркази ҳамкорлигида "Оила ва ОИВ инфекцияси" мавзусида беш кунлик семинар-тренинг бўлиб ўтди.

UNWOMEN ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё бўйича субминтақавий идораси моддий кўмагида амалга оширилаётган ушбу лойиҳада 31 октябрдан 4 ноябргача Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаларининг қишлоқ врачлик пунктлари, Тошкент шаҳрининг оилавий поликлиникалар координаторлари, шунингдек, 14 та туман (Кўнғирот, Бўз, Ромитан, Фориш, Деҳқонobod, Нурота, Ҳайчи, Каттақўрғон, Мирзаобод, Узун, Юқори Чирчик, Фарғона, Янгиарик, Чилонзор)нинг беш терапевтлари иштирок этишди.

— Семинар ОИВ тарқалиш хавфи юқори бўлган оилалар билан яққа тартибда ишловчи, ушбу касаллик тўғрисида аҳолининг хабардорлик даражасини оширишга кўмаклашувчи ҳамда инфекция юқишининг олдини олиш чораларини тарғиб этувчи маҳаллий тренерларни тайёрлаш мақсадида ташкил этилган, — дейди Республика хотин-қизлар кўмитаси етакчи мутахассиси Махфуза Назарова.

Машгулотлар давомида Хотин-қизлар



кўмитаси раис ўринбосарлари, мутахассислари ҳамда Республика ОИТСга қарши кураш маркази ходимларининг маърузалари тингланди.

— ОИВ инфекциясига қарши кураш бўйича дунё миқёсида ҳамда мамлакатимизда олиб борилаётган чора-тадбирлар ҳақида энг сўнгги маълумотларга эга бўлдик, — дейди Жиззах вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси "Саломатлик-2" бюроси директори Абдуғулом Норматов. — Бу ерда олган билимларимизни ҳамкасбларимизга етказиб, халқимиз орасида ушбу касалликнинг олдини олиш, унга учрамаслик чоралари тўғрисида тарғибот

ишларини олиб борамиз.

Лойиҳа якунига қадар кўнгиллилар кўмагида республика бўйича камидан 50 мингдан ортиқ меҳнат мигрантлари, наркотик моддалар истеъмол қилувчи ва жазо муддатини ўтаб қайтган шахслар, одам савдосидан жабрланганларнинг оилаларида яққа тартибда ишлаш, ОИВ инфекцияси юқишининг олдини олиш ва унга қарши кураш бўйича хабардорлик даражасини ошириш, репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлаш кўзда тутилган.

8–12 ноябрь кунлари эса ҳудудий хотин-қизлар кўмиталари қошидаги "Аёллар ва уларнинг оилаларини ижтимоий химоялаш марказлари" ходимлари тренерлик кўникмалари бўйича малака оширадилар.

Нигора РАҲМОНОВА,
"Оила ва жамият" мухбири.

Ёшлар билан телемулоқот

Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги Адлия, Олий ва ўрта махсус таълим, Ички ишлар вазирликлари ва Ўзбекистон Мусулмонлари идораси билан ҳамкорликда "Репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш омиллари" мавзусидаги телемулоқот ташкил этди.

Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан олий ўқув юртлири талабалари, коллеж ва лицей ўқувчилари жойлардан туриб, Республика экспертлар гуруҳига тўғридан-тўғри савол бериш ва жавоб олиш имкониятига эга бўлишди.

Республика эксперт гуруҳига мурожаат этишда электрон технологиялар, Ўзбекистон Хотин қизлар кўмитасининг сайти — WWW.WCU.UZдан фойдаланилди. Бундай мулоқот ёшларимизга ҳаётдаги долзарб масалалар замонавий технологиялар орқали тушунтирилиши кўзланган самарага осонроқ эришишга ёрдам бериши табиий. Айниқса, зукко ва илғор ёшлар телемулоқот давомида олган маълумотларини "Тенгдошдан тенгдошга" усулида бошқалар билан баҳам кўриши тadbир самарадорлигини янада оширади.

Газетаимизнинг кейинги сонида телемулоқотдаги айрим савол-жавобларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

Ўз мухбиримиз

БАНДЛИК ДАСТУРИ — АМАЛДА!

Янги имкониятлар яратилмоқда

Мингбулоқ тумани иқлим шароитининг қулайлиги ҳамда табиий ресурсларининг бойлиги туфайли тadbиркорлик фаолиятини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга ҳудудлардан биридир. Табиий ресурслардан қум ва фойдали қазилмалар, шифобахш булоқлар турли хил ўсимлик ва ҳайвонот дунёси мавжуд. Улардан фойдаланишни халқ хўжалигига жорий этган ҳолда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқларини янада кенгайтириш мумкин. Натижада, туман маҳаллий иқтисодиётида янги иш ўринлари ва ижтимоий инфратузилма юзага келади. Бу жараён ўзига хос равишда бозор, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш тармоғини ўзаро чамбарчас боғлайди. Пировардида, туман ички бозорида тармоқлар маҳсулоти учун талаб кучаяди.

Устозларимизнинг айтишича, бир пайтлар республикада, шу жумладан, бизнинг туманда ҳам маҳаллий шароитга мослашган тез ўсувчи Калифорния навидидаги терак кўчатлари экила бошланган экан. Мазкур терак навининг ҳар қандай шароитга мослаша олиши, айниқса, зах кучли бўлган ҳудудларда тез ўсиши яққол намоян бўлди. Бу даврга келиб республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини яхши сақловчи табиий маҳсулотдан тайёрланган яшиқларга эҳтиёж туғилди. Ана шунда ўша тераклар ниҳоятда асқотди. Ёғоч қути тайёрлашнинг ишлаб чиқариш тармоғига асос бўлди. Шунга иктисослашган кичик корхоналар кўллаб ёшларни меҳнатда бандлигини таъминлашга имкон берди.

Азалдан туманимизда миллий-маҳаллий хунармандчилик сифатида Сирдарё ҳавзаси ва захконларда ўсувчи қамиш-қўғалардан уй хўжалиги учун зарурий жиҳозлар тўқилган. Ушбу хунармандчилик турунинг хомашё манбаи ҳар томонлама қулайлиги аҳолини ўзига жалб қилган. Ҳозирги кунда улардан қурилиш учун жиҳозлар, турли хил уй анжомлари ва декоратив кўргазмалари буюмлар тайёрланмоқда. Асосий жиҳоз сифатида бўйра ва чий тўқилади. Ушбу миллий хунармандчилик тури малакавий равишда шаклланган бўлиб, туманимиз ёшларини иш билан таъминлашда катта аҳамият касб этмоқда.

Мадина ҲАМДАМОВА,

Мингбулоқ педагогика коллежи 3-босқич ўқувчиси.

Нурота туман ҳокимлиги, прокуратураси, ички ишлар бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати худудий бўлинимаси ташаббуси билан ўтказилган навбатдаги «Бўш иш ўринлари» ярмаркасига асосан касб-хунар коллежлари битирувчилари таклиф этилди. Шу кунги меҳнат бозорида 40 та ташкилот ва корхона 132 та бўш иш ўрни билан иштирок этди.

Ярмаркада юзга яқин кишининг иш

Қишлоқ шифокори

Кишилар қалбига эзгулик олиб кирувчи, нафақат тиббий муолажа ва дори-дармон билан, балки ширин сўзию қалб кўри билан урганчликлар орасида эъзоз топган шифокорлардан бири Муяссар Рўзметовадир.

Урганч туманида 162 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, 52 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Улар орасида биз бугун мухтасаргина сўз юритаётган инсоннинг ҳам ўзига хос ўрни бор.

— Муяссар опа ўз касбини севган ва халқимизга беминнат хизмат қилиб келаётган тажрибали шифокор бўлиши билан бирга, жамоатчилик ишларида ҳам фаол аёллардан бири, — дейди Урганч туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Муҳаббат Ваисова. — Президентимиз ҳамда ҳукуматимиз томонидан қишлоқда яшаётган хотин-қизларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, айниқса, "Соғлом она — соғлом бола" госяини ҳаётга кенг татбиқ этиш борасида улкан ислохотлар амалга оширилаётган бир пайтда Муяссар опага ўхшаган малакали тиббиётчиларга кўпроқ суяниш керак.

Муяссар Рўзметова раҳбарлик қилаётган Чотқўпир қишлоқ

врачлик пункти тиббиётни ислоҳ қилиш Давлат дастурига асосан 2009 йили қайта реконструкция қилинганидан сўнг ҳам ташки, ҳам ички жиҳатдан бутунлай янгича қиёфага эга бўлди. За-

илм масканларида бўлиб, халқ саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳоли орасида репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлаш, турли касалликларнинг олдини олиш билан боғлиқ қатор долзарб мавзуларда суҳбатлар ўтказиб келишарти.

Туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди Баҳром Файзуллаевнинг таъкидлашича, Муяссар Рўзметова нафақат бўлимли, тажрибали шифокор, балки ёш мутахассисларга ўзининг бой тажрибасини ўргатишда ҳам бошқаларга ибрат кўрсатаётган экан.

— Бир пайтлар ўзим ишлаган ҚВПларни энди кўз олдимга келтирсам, кулгим келади. Қаранг, давлатимиз томонидан қулай шарт-шароитлар, кенг имкониятлар яратиб берилди. Биз ўз бурчимизни ҳалол ва виждонан ўтай олсак, ана шундагина юртдошларимиз хўрматини қозонамиз, — дейди Муяссар Рўзметова фахр билан. Ва шу баҳонада мамлакатимизда эл сихат-саломатлиги йўлида фидоийлик кўрсатиб ишлаётган барча тиббиёт ходимларини касб байрами билан самимий кутлаб кўйди.

Шавкат СУЛТОНОВ,
"Оила ва жамият" мухбири,
Хоразм вилояти.



монавий типдаги тиббий ускуналар билан жиҳозланди. Кундузги шифохона, оналар ва болалар, физиотерапия бўлимлари ишлаб турибди. Наргиза Жуманиёзова, Манзура Раҳимова, Дилбар Мадраҳимова сингари саломатлик посбонлари аҳолига намунали хизмат кўрсатишмоқда.

ҚВПда 1500 нафарга яқин туғиш ёшидаги аёллар, 120 нафардан ортиқ бир ёшгача бўлган болалар рўйхатда туради. 914 оилага хизмат кўрсатувчи чотқўпирлик шифокорлар мактабгача таълим муассасалари,

Юз киши иш

билан таъминланди

билан бандлиги таъминланди. «Маруфбек-Зафар», «Фозгон мармар», «Ал-Араб-Шерзод» хусусий корхоналари ўнлаб ёшларни доимий иш билан таъминлади.

— Ишга жойлаштирилганларнинг 37 нафарини касб-хунар коллежи битирувчилари ташкил этади, — дей-

ди туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбари Нуриддин Хушвақтов. — Жорий йилнинг 9 ойида 1383 нафар аҳоли мурожаат қилган бўлса, уларнинг 1290 нафари ишга жойлаштирилиб, 82 нафари касбга ўқитилди. Мурожаат қилганларнинг

155 нафари жамоат ишига юборилди.

Марказ ходимлари «Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йили» доирасида ўтказилаётган меҳнат бозорларида аҳолига ўз ҳақ-хуқуқларини қай даражада химоя қилиш, меҳнат қонунчилигида кўзда тутилган янгиликлар хусусида ҳам ахборотлар бериб беришмоқда

Ш. СУЛТОНОВ,
Навоий вилояти.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

**Ўзиникини ўйлабди,
АММО...**

Автобусда кетаётиб икки аёлнинг суҳбатини эшитиб қолдим:

— Муҳаббатхон, баъзида шу қишлоқдан келган меҳмонлардан ҳам хафа бўлиб кетаман. Уларнинг кўнглини олайлик деб боришимизни дастурхонга тўқамиз, ишхонада бошлигимиздан гап эшитсак ҳам эртаю кеч бирга юриб, ишларини битказиб берамиз. Лекин эвазига раҳмат эмас, таъна эшитганимиз қолади.

Яқинда қишлоқдан икки маҳалладошимиз келди. Автобусдан тушиб, тўғри эримнинг ишхонасига боришибди. Бирининг жигари оғрир экан, ташхис қўйдириш учун келишибди. Эрим сим қоқиб, "Ишдан эртароқ бориб, тайёргарлик кўринг, ош дамлаб қўйинг", деди. Айтганидай қилдим, икки уч хил салат ҳам тайёрладим. Ўғлимни дўконга югуртириб, ширинликлар олиб

бўлиб. Меҳмонга ўғлимнинг хонасига жой солиб бердим. Эрталаб кучли йўтал овозидан чўчиб, уйғониб кетдим. Тинчликмикан, деб қарасам, меҳмон йигит қур-қур йўталарди. Оғзидан чиққан тупикни гилам тагига тупураётганини кўриб, дарров қўлига эски бир идишни тутказдим. Кейин билсам, у ўпка силлини орттириб олган экан.

— Опа, шу десангиз ўзимиз томонда дўхтирларга кўрсатдик, фойдаси бўлмади. Тошкентда яхши мутахассислар бор, деб шу ерга йўланма ёзиб беришди. Касалим жуда жиддий. Ўғилчамга юқиб қолмасин деб кўркаман. Тезроқ тузалмасам, хотиним мени ташлаб кетади...

Меҳмон йигит йўланмасини қўлимга тутқазган, оёқ-қўлимда мадор қолмади. Ўша куниёқ уни касалхонага олиб бордим. Текшириб кўрган шифокор: «Беш-олти кундан кейин жой бўшайди. Унгача манави анализларни топшириб кетинглар», дегач, ноилож биргаликда уйга қайтдик. Меҳмон йигитнинг синиққан рангига қараб раҳимим келса, гул-

**УЙНИГИЗГА
МЕҲМОН КЕЛДИ...**

чиқтирдим. Меҳмонлар келгач, елиб-юғуриб хизмат қилдим. Ўша кун қизим билан дарс тайёрлашни, кенжатоимга шеър ёдлатишни ҳам йиғиштириб қўйдим. Меҳмонлар уч-тўрт кун бизникида қолишди. Эрим тушгача уларни шифокор-шифокор олиб юриб, тушдан кейин ишга борди. Мен эса пешингача ишлаб, сўнг уйга келдим, улар учун таом тайёрлаб турдим. Ниҳоят, меҳмонлар кетадиган кун ҳам келди. Дастурхонга фотиҳа тортаётиб, биздан ниҳоятда миннатдор эканликларини айтишди. Табиийки, бу мақтовлардан эриб, хурсанд бўлиб кетдим. Аммо улардан бир секингина "Тошкентда қизим билан куёвим яшайди. Уйлари ҳам шу атрофда, сизларникига унчалик узоқ эмас", деса бўладими? Баданимдан муздай тер чиқиб кетди. Наҳотки, ўз фарзандининг тинчлини ўйлаган ота бошқаларни ҳам беҳузур қилиш инсофдан эмаслигини билмасам?

— Қўяверинг, Дилоромхон, қишлоққа бориб, сизларни ҳаммага мақтаб юришади. Ахир, одам одамга ганимат. Балки, куёви бадфёъл йигитдир ёки меҳмон куттишга қизининг шароити йўқдир. Ҳадди сизиб сизларникига келгани ҳам хурматингиз.

— Тўғри, меҳмон куттиш ҳаммамизнинг ҳам фарзимиз, ҳам қарзимиз. Қилган меҳнатларимга розиман. Лекин ҳаммасидан ёмони кейин бўлди. Эрим қишлоққа бориб, хафа бўлиб келди. Ўзимизни ўзимизга мақтаб, ишларини битириб кетган шоввозлар кўни-қўшиларга "Ҳа энди, қишлоққа гердаёиб келишгани билан, Тошкентда каталакдек уйда тураркан", дейишибди...

Уйми бу, ё госпиталь?!

Дилдора опанинг ҳикояси:

— Яқинда қишлоқдан бир қариндошимиз келди. Отам кўнгирак қилиб, шу йигитнинг шифохонага ётишига ёрдам бериб юбор, савоб бўлади, дегани учун рози

дай болаларимга қараб сиқиламан. Лекин алоҳида пиёладан чой ичинг, ўз қошигингиз билан овқат енг, деб айтишга кўнглим бормади. Охири бир амаллаб шифохонага жойладим. Лекин кўнглим беҳузур. Болаларимни ҳам, ўзимни ҳам рентген қилдирай деб шифохонага чикдим...

**Қаршибой ХУШАТОВ,
тиббийёт фанлари номзоди:**

— Бизникига ҳам меҳмон кўп келади, қишлоқдан қариндошлар, дўст-биродарлар дегандай. Лекин ўзбекчилик деб андиша қилиб ўтисак бўлмайди. Шу боис ўзим шифокор бўлганим учун эмас, аксинча, оиланинг сихат-саломатлигини ўйлаганим учун меҳмоннинг қаердан, қанча масофа босиб келганига қараб, кўнглини оғринтирмай муомала қиламан. Агар узоқроқдан келган бўлса, оёқ-қўлини совунлаб ювишини маслаҳат бераман. Кейин чой-пой ичиб, ётиб қолиши аён бўлгач, ўзи билан сочик, тиш чўтқаси, хуллас, шахсий гигиеник нарсалари бор-йўқлигини сўрайман, бўлмаса, болаларга олиб келиб беришларини тайинлайман.

Биламан, бу айримларга жуда эриш туюлар ёки малол келар. Лекин ота-боболаримиз жуда маданиятли бўлгани, меҳмонлар иззатини жойига қўйгани билан доим мактанамиз. Шундай бўлгач, меҳмон ҳам ўз хурматини тушуниб, аввало, хонадон аҳлининг соғлигини ўйлаб ўш тутса, эртага шифохона-шифохона югуриб ормаймиз. Тиббийёт нуқтаи назаридан оладиган бўлсак, бу ниҳоятда муҳим ва долзарб мавзудир.

Доимий "қўнган" қўноқ

Водийга хизмат сафарига кетаётиб, Мадина деган аёл билан ҳамроҳ бўлиб қолдим. Суҳбат қизиганидан довош охири кўйганимизни ҳам сезмай қолибмиз. Гап орасида у киши бир воқеани ҳикоя қилиб берди:

— Тошкентга кўчиб бормганимизга ўн йил бўлди. Тўнғич қизим бир ойлик чақалоқ

ЎЗБЕКЧИЛИК

эди. Мана, ҳозир тўртинчи синфда ўқияпти. Аммо халигача ижара уйда яшаймиз. Уч бола билан ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа кўчиб юришдан чарчаб кетдим. Эр-хотин иккимизнинг топганимиз аранг рўзгоргаю ижара пулини тўлашга етади. Уч-тўрт сўм орттириб, уй сотиб олишга имконимиз бўлмайпти. Бунинг устига, каталакдек ижара уйимиздан меҳмон аримайди. Эримнинг жияни шу ерда ишлайди. Факат хотини ва фарзандларини соғинганида қишлоққа бориб келади. Болалар билан бир хонада биз ётсак, нариги хонада "меҳмон"имиз яшайди. Яқинда у уйсиз ўртоғини ҳам бошлаб келибди. Меҳмон йигит грип бўлган экан. Икки-уч кун ишга бормади, ётиб даволанди. Ўзи, шундоғам кенжатоим иситмалаб турганди. Кўнглимга ҳеч нарса сизмай юрганда касал меҳмоннинг келиши дард устига чипқон бўлди. На бирор сочиғи, на қўл ювадиган совуни бор. Ҳаммасидан ёмони, кеча эрталаб қизим тиш чўтқамни ким ишлатди, нега меникида ювасизлар, деб қолди. Кейин билсам, меҳмонимиз фойдаланган экан. Бу энди ҳаммасидан ошиб тушди. Устига-устак, боламнинг шамоллаши кучайиб кетди. Меҳмонлар олдида эримга қаттиқроқ гапириб қўйгандим, юзимга шاپалоқ тортиб юборди. Ҳамма нарсанинг ҳам меъёри бўлиши керак. Бегоналарнинг кўнглига қараб яшаш жонимга теғди. Болаларни олиб уйдан чиқиб кетдим.

Машхура ЗОХИДОВА,

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти умумий амалиёт шифокорлари тайёрлаш кафедраси мудири, тиббийёт фанлари доктори, профессор:

— Меҳмоннавозлик — ота-боболаримиздан мерос қолган яхши одат. Эшигимизни тақиллатиб келган одамни очиқ чехра, ширинсуханлик билан қутиб оламиз. Кўнглини олиш учун елиб-юғуриб хизмат қиламиз. Чунки меҳмон хонадонимизга ўзи билан бирга аҳиллик, қут-барақа, файз олиб келади. Бир зумда аёл яхши она, яхши бека, эркак эса намунали ота ролига киради. Аммо... "айрим" меҳмонлар ўзи билмаган ҳолда қариндошларини оғир аҳволга солиб қўйиши ҳам бор гап. "Кунда келган меҳмоннинг қадри йўқ" ёки "Яхши меҳмон уч кунлик" деган гап бежиз айтилмаган. Агар келган киши қариндошлари уйда кўп кунлаб яшаса, бу мезонларнинг руҳиятига ёмон таъсир қилиши мумкин. Айниқса, болалар азият чекади. Она фарзандларининг вақтида овқатланиши, ухлаши, дарс тайёрлашига вақт ажрата олмади. Натижанда, улар касалликка чалинувчан бўлиб қолишади.

Айрим меҳмонлар ўзлари билмаган ҳолда касаллик ташувчига айланади. Эътибор берган бўлсангиз, айнан юқумли касалликлар шаҳарда тез тарқалади. Қишлоқда меҳмонга сўра, кроват ёки айвончага жой солиб бериш мумкин. Хожатхона ҳам ховлининг бир четида, ошхона, ётоқхонадан анча узоқда бўлади. Кўпқаватли уйларда эса бунинг имкони йўқ. Касални даволашдан кўра олдини олиш бугунги тиббийётчилар олдидаги энг катта муаммолардан бирига айланади. Айниқса, юқумли касалликлардан вирусли гепатит, сил, гижжаник олдини олиш учун аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот, тушунтириш ишларини янада кенгроқ йўлга қўйишимиз зарур. Бу касалликлар кўпроқ кам овқатлашиш, шахсий гигиенага риоя қилмаслик, натижасида келиб чиқади. Масалан, В. С гепатитлари кўпроқ ўпишиш, идиш-товуқлардан фойдаланиш, оғиз бўшлиғидан чиққан суяклик қаерга тегса, касалликнинг юқиш хавфи кучаяди. Шунинг учун меҳмон келиб кетганидан сўнг чойшабларни куёш нурига ёйиб, хожатхона, ювишни ваннаси, идиш-товуқларни махсус воситаларда тозалаш, кейин фойдаланишни маслаҳат берамиз.

Хотима ўрнида:

Кеча қизим дабдурустдан бир савол бериб қолди.

— Ойи, меҳмон отангдек улугми ёки отангдан улуг?

Ҳақиқатан ҳам, мақолнинг асл кўриниши қандай экан? "Ҳикматнома" китобини олиб varaқладим: "Меҳмон отангдан улуг". Шундай экан, ўзимизни ана шу улугликка муносиб тутайлик...

Нигора АЛИШЕР қизи,
"Оила ва жамият" муҳбири.



САТИРА — адабиётда ва санъатда кишилардаги нуқсонлар ва камчиликларни аёвсиз танқид қилиш, фош этиш ҳамда шундай мазмунда ёзилган бадиий асар, ҳажвийёт «сатира» деб аталади. Бу сўз юнон тилидан кириб келган бўлиб, маъноси жуда қизиқ: «турли мсвалардан иборат овқат, аралашма» деган мазмунни билдирган.

Сатирада ижодкорнинг мавзуга қарашли ўз сезги ва ҳис-туйғуларидан устун туради.

"Ўзбек адабиёти"
китобидан

ЎРКАЧ — тилимизда туянинг елкасидаги қалин ёғ қатламидан иборат дўнг ўсимта "ўркач" деб аталади. Хўш, бу сўз қандай ҳосил бўлган? Қадимда дўнг, тепалик "ўр" деб аталган. "Ўр келса, ўрмалади" деган ибора ҳам шундан келиб чиққан. Сўнг "ўр" сўзига "ка" ва кичрайтирувчи "ч" қўшимчалари қўшиб, "ўркач" сўзи пайдо бўлган. Шунингдек, тилимизда тепалик, тоғ ва қирларнинг ўркача ўхшаш жойи ҳам шу сўз билан ифодаланади.

Қирнинг ўркачи нари четда юксалган тоғнинг белига етиб турар эди.

Шукур Холмўраев

ИШПЕЧ — бу сўз тилимизда ҳаминша ҳам қўлланилавермайди. Лекин чеварлар тез-тез ишлатадилар. "Ишпеч" сўзи чеварларнинг иш, ишак, игна ва бошқа керакати нарсалари сақланадиган, шунингдек, тиззата қўйиб иш тикадиган халтаси маъносини ифодалайди.

Зумрад кўзларини чиройли сузиб, бир кулди, кейин тиззасидаги ишпечини ерга қўйди.

Ойбек

Камир ишпечи билан шойи қўйлақчани олдига олиб ўтирди.

Ҳақим Назир

Эшқобил ШУКУР
тайёрлади.

ЭЪЛОН!

Тошкент шаҳар Яқкасарой туман ҳокимлиги томонидан 2010 йил 22 январда рўйхатга олинган "Mirsodiq va Marufa" хусусий корхонаси ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Шохжохон кўчаси, 34-уй.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ НУРОТА ТУМАНИ ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ

эл саломатлиги йўлида фидойилик намуналарини кўрсатиб ишлаётган барча ҳамкасбларимизни Тиббиёт ходимлари куни билан самимий муборакбод этади!

Саломатлик — туман бойлик, дейдилар. Бу дунёда инсоният учун соғлиқдан улуг ва қадрли, қимматли бойлик йўқ. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш мустақил давлатимиз сиёсатининг устивор йўналишларидан бирidir.



Туманимиз тиббиётчилари ҳам ўз зиммаларидаги шарафли ва масъулиятли вазифани адо этишда хамиша элдошларимизга камарбаста.

Касб байрамингиз муборак бўлсин, муҳтарам тиббиётчилар!

Реклама

СОҒЛИГИНГ — БОЙЛИГИНГ

Мухтарам устозимиз, тиббиёт фанлари номзоди Хушвақт ТУРДИЕВ!

Сизни ва Самарқанд давлат тиббиёт институти профессор-ўқитувчиларини Тиббиёт ходимлари байрами билан самимий муборакбод этамиз. Халқимиз саломатлигини химоя қилишдек савобли ишга қўшаётган муносиб ҳиссангиз сизнинг юзлаб шогирдларингиз тимсолида намоён бўлаётир.

Узоқ умр, бахт-саодат хамиша йўлдош бўлсин!

Самимий эҳтиром билан



Мухаррам ТҮЙЧИЕВА, Қашқадарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг физиотерапия бўлими бошлиғи.

Оиламизнинг суоқли дилбанди, неварамиз Саидаълоҳўжа!

Сенинг 1 ёшга тўлишинг бизнинг катта қувончимиз, бахтимиздир. Аллоҳ сени хамиша ўз паноҳида асрасин.

Оила аъзоларинг номидан буважонинг Саидгани Сайдолимов



Реклама Реклама Реклама Реклама Реклама Реклама

«ЎКТАМХОН-НУР» ЎҚУВ МАРКАЗИ

куйдаги ўқув курсларига тақлиф этади:

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
Аёллар костюм-шими, плаш-пальто — 1-2 ой.
Хамишира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
Хамишира (теакор) — 3-4 ой (амалиёт билан).
Тиббий массаж — 2 ой. Нуктали — 1 ой.
Торт ва пишириқлар — 2 ой.
Пишириқлар олий курси — 1 ой.
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 1 ой.
Аёллар сартарошлиғи — 3 ой.
Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой, Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Каштачилик — 3 ой (машинада вишивка).

Тўқувчилик — 2-3 ой.
Инглиз тили — 3 ой.
Рус тили — 3 ой.
Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
Сунъий гул яшаш — 1-2 ой.
Компютер сабоқлари — 2 ой.
Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёт билан
Ётоқхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

Манзил: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона. Мўлжал: Юнусобод дехон бозори бош томони орқасида.
Тел: (8371) 221-17-95, 221-77-72, 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).
ФИЛИАЛ
Манзил: Ҳамза тумани Фаргона йўли кучаси, Кўйлик, 4-уй 40-хона. Мўлжал Кўйлик киний бозори рўпарасида.
Тел: (8371) 295-97-82 +99897 785-90-30 (кундузи)

“Негадир юрагим безовта-да, дугонажон, ҳеч вақт тополмаямман дўхтирга кўринишга”, “Кеча ўттиз ёшли йигит инфарктга чалинибди, нима бало, касалликлар ҳам ёшарармикан-а?”, “Юрак бир минутда неча марта урса, одам соғлом бўлади?”...

Юлдуз Тўраева бундай гап-сўзларни кўча-кўйда ёки хузурига келган кишилардан кўп бора эшитган. Уларга керакли муолажалар ҳамда йўл-йўриklarини эринмасдан тавсия қилади. Лекин ўзининг юрағида барибир озгина хавотир ҳам пайдо бўлади: хўш, мен-ку ўз вазифамни бажардим, улар-чи? “Дўхтир бўлгандан кейин айтаверадиди, соппа-соғман, ётиб қолганим йўқ” дея бепарволик билан кетиб қолганларнинг холи не кечди экан? Ана шундайлар эртага боши ёстиққа текканидан кейингина югуриб қолишади. Унда кеч бўлади...

Ҳа, Қарши шаҳридаги 1-сонли катталар поликлиникасида ўн бир йилдан бери кардиолог, 2008 йилдан бошлаб эса олий тоифали шифо-

дини олиш кўпроқ самара беради. Бу оддий ҳақиқатни чуқур англаган Юлдуз Тўраева аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи, тиббий маданиятни янада юксалтириш йўлида жонбозлик кўрсатиб келаётир.

...Хузурига кириб келган эллик ёшлардаги кишининг юрагини обдон “эшитиб” кўргач, маҳсус аппарат ёрдамида аниқланган ўзгаришларни таҳлил қиларкан, хавотир билан боқиб турган одамни секингина: “Энди бу ёғига юракни эҳтиёт қилинг, ака. Асабини асранг, хушмуомала бўлинг, насиб этса санаторийда ҳам дам олинг, ҳозир керакли муолажаларни ёзиб бераман. Кейин яна бир келасиз”, деб тинчлантирди. Шу лаҳзадаёқ унинг юзига илиқлик югурди ва “Раҳмат, сингилжон, умрингиздан барака топинг. Эртагаёқ санаторийга йўлланма оламан”, деганча чиқиб кетди...

Юрак ҳар доим керак

кор бўлиб ишлаётган Юлдуз Тўраеванинг деярли ҳар бир куни ана шундай ўй-мулоҳазалар билан кечади. Аслида, оқ халат кийган ҳар бир шифокор ўз ишига одамлар сихат-саломатлиги йўлида ҳалол ва виждонан ёндошса, қанчалаб хасталикларнинг олди олиниши мумкин. Лекин...

— Бизнинг 1-сонли поликлиникамиз сал кам 83 минг аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда, — дейди Юлдуз Тўраева. — Энди тасаввур қилинг, шифохонамиз ўз номи билан катталарга мўлжалланган. Масалан, мен кардиологман, юрак фаолияти бўйича мамлакатимизда, қолаверса, жаҳонда олиб борилаётган изланишлар, янгилик ва ютуқлардан ҳар доим хабардор бўлиб туришим керак. Шу маънода айтмоқчиманки, кейинги йилларда кардиология соҳасида Ўзбекистонда ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Биргина Қарши шаҳрининг ўзида соғлиқни сақлаш бўйича олиб борилаётган ислохотлар миқёси ниҳоятда кенгайди. Бу эса биз — тиббиётчиларга ҳам катта масъулият юклайди.

Сир эмас, кейинги йилларда халқимиз орасида юрак фаолияти билан боғлиқ хасталиклар сони ошиб бормоқда. Албатта, бунинг ўзига хос сабаблари бор ва профилактик, тарғибот ва ташвиқот ишлари кучайтирилмоқда. Чунки тиббиётда ҳар қандай касалликни даволашдан кўра ол-



Юлдуз Тўраева бизга юзланиб, “Менинг устозларим Мехмон Аҳмедов, Ҳаёт Ҳотамова, Сарвара Жумаева, Сабоҳат Қодирова, қолаверса, бутун умрини ёш авлод тарбиясига бағишлаган раҳматли онажоним — Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Шарофат Тўраеванинг берган панду насиҳатлари, таълим ва сабоқлари бир умр эсимдан чиқмайди. Тўғри, инсон танасидаги ҳар бир аъзо-нинг ўзига хос вазифаси бор, лекин Аллоҳ томонидан юракка юклатилган вазифани ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди”, дея яна ўз ишига шўнғиб кетди.

Мохинур ҚОДИРОВА

Нигора йигирма йил бир-га яшаб эрининг олдида бу қадар ёмон изза бўлмаганди. Ҳеч илож топмасда, лабини буриб, йиглаб кутуларди. Аммо бу гал айбини ҳеч нарса билан ёполмади: ўзини кўярга жой тополмади.

— Одамлар "Сочи узуннинг ақли калта бўлади", деб бекорга айтишмас экан. Бу ўжарлигинг, ҳасадгўйлигинг охири оқибатда бошинга бало келтиришини билардим. Энди ўғлингга ўзинг тушунтир, мен аралашмайман!

— Ўлганнинг устига тепган қилаверманг, дадаси. Ахир, бу ҳолатда ўлиб қоламан ё кудамиси гумонсираганидек жинни-пинни бўлиб қоламан. Шаҳдингиздан тушинг, илтимос. Ўғил, ҳарқалай, отага ётишади. Кечирим сўрайсизми, ялинасизми, тушунтирасизми, ишқилиб, кўнглига таскин беринг...

Уч кундан буён Нигора билан Аҳмадалининг кечки суҳбати шу тахлит якун топади. Ўртада яқкаю ёлғиз ўғил овора. Гапирмайди. Овқатини тез-тез ейди-ю, телевизорга ёпишади. Аллақандай жангари киноларни қайта-қайта кўргани кўрган. Ота-она Икромнинг ҳар бир ҳаракатидан ўзларига нисбатан зарда, норозилик, киноя сезишади. Бундан юраклари эзилади.

...Ушанда Нигора овсини қилган "Бибимушкулқушод" дан гап топиб келди. Каيفияти чоғ пайтини пойлаб, бу ҳақда эрига ёрилди.

— Салимаҳоннинг маърақаси ниҳоятда зўр ўтди. Беш хил овқат сузилди. Дастурхонда одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса бор. Укангиз ҳам валломат одам-да! Хотинидан ҳеч нарса ни аямайди.

— Сиз, хотинларга молпарастлик деган нарса қон билан кирган-да. Ҳамма нарса ни эиёфату тақинчоқ билан ўлчайсизлар. Оддий дастурхон атрофида бундоқ маънили суҳбат қилиш хаёлларингга ҳам келмас керак-а?

— Сизга сиёсатдан бошқа нарса ёқмайди. Мажлисида, идорада ўтириб кунингизни ўтказасиз. Аёл бўлгандан кейин аёлга ўшаб ашайди-да, ҳўжайли. Мен бечора укангизни мактаб, сизга дардимни очмоқчи бўлиб ўтирибман-а. Гапингиз йиғилишдаги маърузангизга ўшаб кетаяпти.

Каифияти яхшилиги учунми, ишқилиб, Аҳмадали сал паст

кетди.
— Майли, хотинжон, сал қизишдим-да. Нима арзи ҳол экан, қани эшитайлик-чи?

— Айтаётган тadbирга еттига аёл келди. Овсиним, мен, институт ректорининг, Салим прокурорнинг, ҳоким ўринбосарининг, газнинг каттасининг, кейин кўшимиз Ибодулла қассобнинг хотини. Мендан бошқа, ишонасизми, ҳаммаси иккинчи гуруҳ ногиронлигини олволишган экан. Эрлари ёрдам беришибди. Ҳар ойда маошига қўшимча 100 минг сўм келиб тураркан.

— Эсинг жойидами сенинг, ўйлаб гапиряпсанми, ўзи?

Сохта ногиронлик



Қанақа ногиронлик?! Улар тоғни урса талқон қиладиган аёллар-ку ахир?! Ибодулла қассобнинг хотини, адашмасан, боғча мудираси. Эрининг топгани етмаганидек, болаларнинг ҳақидан ҳам уриб қолади. Ректорнинг аёли яқинда Америкага — болаларнинг олдига бориб келди. Уларнинг нимасига ногиронлик гуруҳи беришаркан?

— Ана шунақа соддасиз-да, дадаси! Оғзимдаги гапинми ёқамга ёпиштирасиз. Замонни ўз қарингиз билан ўлчайсиз. Мақсадга биров ундай эришади, биров бундай. Биров яхши ашайди, биров ёмон. Яратган эгаи ҳаммининг ўзига яраша насибаю ризқини бериб қўйибди. Бошқалар сизга ўхшамагани учун айбор эмас-ку!

Аҳмаддон хотинининг кўнглини қолдиришдан қўрқди. Масалага чуқур кириб кетмасликни маъқул кўрди. Бир томондан хотини ҳам ҳақ; ҳаммани бир хил қолибга солиб бўлмайди. Бу муаммо бўйича бир-икки йиғилишда гап очиб кўрди. Қўллов-

чилар топилмагани учун индамай қўя қолди. Аммо бугун бўлмасда эртага албатта юзага чиқишига ишонди.

— Ҳа, дадаси, хаёли суриб қолдингиз, ё гапимдан хафа бўлдингизми?

— Йўғ-э, хотин, нега хафа бўларканман? Ҳа, айтгандай, нима гапинг бор эди, ўзи?

— Хуллас, мениам иккинчи гуруҳ ногиронлигига чиқарсангиз. Катта ташкилот раҳбарисиз. Ҳеч ким гапингизни икки қилмайди. Ахир, айримларга ўшаб бекорчи эмасман, мактабда ишлайман. Ойига қўшимча 100 минг сўм олиб турсам, Икром-

невролог врачингиз бордир.

— Майли, хотин, сазанг ўлмасин, бир уриниб кўраман. Аммо айтиб қўяй: комиссиядан ўтиш учун асаб касалликлари бўлимда уч ой ётиб даволаниш керак. Қоидаси шунақа. Укол олсан, дори ичсан.

— Бир гап бўлар, дадаси. Мен билган хотинлар бир кун ҳам касалхонада ётгани йўқ. Маълумотнома олишади. Бу ёғини врач билан гаплашса бўлади.

Ҳақиқатан ҳам, Аҳмадали Алиевичнинг битта телефон кўнги-роғи ва юмшоқ илтимоси кифоя

БЎЛ(МА)ГАН ВОҚЕА

вобни олиб келишди. Тўй тарадудига тушиб қолган Нигора нима қиларини билмайди.

Кечкурун Аҳмадали гап топиб келди.

— Тарвуз эмас, қовун туширибсан-ку, хотин!

— Вой, дадаси, шу кунларда юрагимга гап сиғмайди, бундоқ тушунтириб гапиринг.

— Хуллас, Мусаллам опанинг синглиси сен ҳужжат тўғрилаган бўлимда ҳамшира экан. Опасига ҳамма гапни айтиб берибди.

— Нима дебди?

— Нима дерди, куда бўлишининг асаби чатоқ, ўзининг ётганини кўрмаганман-у, лекин касаллик тарихини ўқиганман, дебди. Қоғозда "Асаби чарчаган, гоҳида ўзига ўзи гапириб юборади, уйқусида тайин йўқ" деган ёзувлар бор экан.

— Вой ўлай, ким ёзибди бунақа бўлмагур гапларни?

— Ким ёзарди, шифокор-да. Ўзинг комиссиядан ўтадиган қилиб ёзиб беринг, дегансан. У ёзган. Касаллик варақасини ўқитувчи опанинг синглиси ўқиган. Кейин бу гапни опасига айтган. Онаси бундай бўлса, ўғлида ҳам бир гап бор, деб улар совчиларимизни қайтаришган. Бор гап шу, хотин.

— Вой шўрим, энди нима қиламиз-а? Ахир мен соппа-согман, ўғлим ҳам соғ! Ахир, буни дўхтир ёлғондакми ёзган бўлса.

— Ёлғонлигини ана, Мусаллам муаллимага бориб тушунтир.

— Бораман, тушунтираман. Ордона қолсин шу ногиронлиги. Кўзининг олдида гувоҳнома ни йиртиб ташлайман!

— Хой-хой, ҳовурингдан туш, хотин. Агар шундай қилсанг, улар сени чиндан ҳам ақлдан озган экан, деб ўйлашади.

...Аҳмадали Алиевич оила обрўси учун ташвишни яна ўз гарданига олди. Бундоқ ўйлаб қараса, аёлларнинг майда-чуйда гапи газак олиб кетиши мумкин. Ундан ташқари одамлар шу қадар таъби нозик бўлишганки, чин гапни тушунтириш учун ҳам тер тўкиш керак.

Аҳмадалининг салоҳияти иш берди. Эркак қудалар машваратидан сўнг тўй бўлди. Ҳарқалай, муносабатлар тиниқлашди. Лекин Нигора барибир ногиронлик гуруҳидан воз кечди. Тўрт мучасининг соғлиғига шукр қилди.

Фармон ТОШЕВ

Донишмандлардан бири "Оила мўъжазгина жамиятчадир, бутун инсоният жамиятининг дахлсизлиги унинг жипслигига боғлиқ", деган экан. Дарвоқе, мамлакатимизда ҳам оила халқимиз учун миллатнинг кўп асрлик анъаналари ва руҳиятига мос кадриятларни асраб-авайлаб, авлоддан авлодга етказувчи энг муҳим ижтимоий институтлардан бири саналади.

Табииyki, орзу-умидларимизнинг рўёби, ушалиши бевосита келажак авлодларимизга боғлиқ. Уларни баркамол инсонлар қилиб вояга етказиш эса оилага бориб тақалади. Тинч-тоғу, аҳил оилаларда эса бахтли фарзандлар туғилиб ўсади. Ҳўш, бу "темир қоида"нинг акси бўлса-чи? Ёки ўз қобилига ўралиб, ҳамон эскича қарашлар билан яшаб келаётган айрим кишиларга ўшаб, қариндош-уручилиқ, зўрма-зўраки, мажбурийлик асосида қурилиб, кейин бузилиб кетаётган оилалар-чи? Бу каби ҳаётий воқеалардан ўз вақтида сабоқ чиқариш муҳим.

Оила кодекси талабларига кўра, оилавий муносабатларни тартибга солиш эркак ва аёлнинг ихтиёрий никоҳ асосида тузган иттифоқи, уларнинг шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқлари тенглиги,

Бир оила бузилса, ўнтаси жабр кўради

шахсий масалаларнинг ўзаро келишув йўли билан ҳал қилиниши, оилада бола тарбияси, уларнинг фаровон ҳаёт кечирishi, камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиш, вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳамоия қилиш асосида амалга оширилади. Шулар асосига қурилган ҳар бир оила, табииyki, бахтли саналади. Аммо статистик ҳисоботларга кўра, содир бўлаётган никоҳдан ажралишларнинг 35-38 фоизи оилавий ҳаётнинг дастлабки тўрт йилида, 32-33 фоизи эса 9-10 йилгача бўлган давр оралиғида қайд этилаётган. Ёки оддий бир мисол: туманимиз миқёсида оладиган бўлсак, шу йилнинг ўтган тўққиз ойида 361 та расмий никоҳ рўйхатида олинди, 12 та никоҳ бекор қилинган. Ажралишларнинг аксариятида турмушдаги ноқулайликлар, фель-атворнинг мос келмай қолиши, қайнона-келин келишмовчиликлари,

турли хил маиший муаммолар ваз қилиб кўрсатиляпти.

Савол туғилади: нега шундай бўляпти? Йигити киз, эркак ва аёл, қолаверса, уларнинг ота-оналари, қариндош-уруғлари нега бу «ҳаёт-мамонт» масаласи хусусида никоҳни расмийлаштиришдан аввал чуқурроқ ўйлаб кўришмади? Аросатда қолган фарзандларнинг айби нима? Улар қайси тарафга ён босин? Улар кимлардан тўғри тарбия олсин? Бинобарин, айрим ёшларимиз ҳали-ҳануз расмий никоҳ масаласига анчайин лоқайдлик билан муносабатда бўлаётганига сабаб нима? Оқибатда, кимларнингдир, айниқса, бегуноҳ норасида болаларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари бузилмаяптими? Тасаввур қилинг, бир оилага дарз кетса, яна ўнлаб хонадонлар жабр кўраёпти. Афсуски, бу каби масалаларга ота-оналар, ёши катталар, ҳаётда кўпни кўрган ки-

БАХТ ОСТОНАСИ

шилар ҳам маълум даражада эътиборли бўлишмаётгани бор гап.

Тўғри, кейинги йилларда адлия бошқармалари ҳамда маҳаллий ҳокимликларнинг ташаббуси билан жойларда ФХД бўлимлари, тиббиёт муассасалари, хотин-қизлар кўмиталари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ўртасидаги ҳамкорлик яхши йўлга қўйилмоқда. Натижада, тўйдан олдин тиббий қўриқдан ўтиш, никоҳнинг қонуний расмийлаштирилишининг афзалликлари, аёллар ва болаларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари фуқаролар ўртасида, кенг жамоатчилик орасида тарғибот-ташвиқот қилинаёпти. Булар ўз навбатида оилалар ўртасида ажралишларнинг камайишига олиб келаяпти. Аммо онда-сонда бўлса-да, оилаларнинг бузилиши, никоҳларнинг бекор қилиниши юз бераётган экан, демак, бу борадаги ишларимиз, вазифаларимиз ҳали-ҳамон туғамайди. Ахир, ҳатто қушинг ҳам уяси бузилмасин, дейишади-ку!

Шаҳзода МУЛЛАБОЕВА,
Дўстлик туман ФХД
бўлими мудири.

ҚИЛМИШ-КИДИРМИШ

"Валютачи"лар қўлга тушди

Жиноятнинг турлари кўп. Қонунбузарларнинг баъзилари мажбурликдан, бошқалари билмасдан, яна бошқаси эса "ўрганган кўнгил" қабилида иш тутади. Лекин уларнинг бари қонунга хилоф ишлардир. Департаментнинг Тошкент шаҳар Бошқармаси ходимлари томонидан фоз этилган ноқонуний валютафурушлар мисолида юқоридаги ҳолатларни кузатиш мумкин.

1989 йили туғилган, олий маълумотли А.Аширов (исм-шарифлар ўзгартирилган) Миробод тумани Чехов кўчасида фуқаро К.Маликовага 3000 АҚШ долларини 6.660.000 сўмга сотаётган вақтда далилий ашёлар билан қўлга олинган. Аширов қилаётган иши қонунга хилоф эканини билса-да, пул топишга бўлган қизиқиш уни бу йўлга етаклаган.

Олмазор туманида истикомат қилиб, ижарага олинган "Нексия"сида киракашлик билан шуғулланиб юрган Ш.Комилов йўловчилардан бири С.Ҳалимовага АҚШ доллари заруриликдан фойдаланиб, унга 10.000 АҚШ долларини "қора бозор" нархида пуллаётган вақтда ушланган.

Ўзига тегишли 5000 АҚШ доллари ҳисобига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиб, уларни бозорда пуллашни режалаштирган фуқаро Р.Алимов миқдор кидириб овера бўлмади. У "Гранд мир" меҳмонхонаси яқинидаги валюта бозорида А.Халиулинага бир АҚШ долларини 2500 сўмдан ҳисоблаб, жами 12.500.000 сўмни чўнтагига жойлаётган маҳал қўлга тушди.

Суд ҳукмига кўра, ноқонуний валюталар давлат фойдасига мусодала қилиниб, қонунбузарлар ўз қилмишига яраша жазо олишди.

Анвар АЛҲУТДИНОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги
СВОЖЖДЛҚК департаменти
Тошкент шаҳар Бошқармаси
катта инспектори.

Арпабодиён

Биологик маълумотларга кўра, дунёда 12000 турдан ортиқ ўсимликларнинг атиги ярми, яъни 6000 таси мутахассис олимлар томонидан ўрганилган экан, холос. Албатта, ҳар бир ўсимликнинг ўз тиббий шифобахшлиги (ёки акс таъсири) мавжуд. Улардан бири арпабодиён бўлиб, Абу Али ибн Сино ва ал-Розий унинг ёрдамида ўнлаб хасталикларни даволагани тарихдан маълум.

Халқ табобатида ҳам арпабодиён меваси — уруғи қайнатмаси ва дамламасидан ошқозон-ичак, тана ҳароратини туширувчи, сийдик ва ўт ажралиши қийинлашганда, асабийлашганда, қорин дам бўлганда, эмизикли оналар сутини кўпайтириш, бачадон, жигар, талоқ ва хавфли безакни даволашда самарали фойдаланилган. Машҳур доришунос олим, академик Собир Юнусовнинг илмий-амалий таҳлилига кўра, кўзимизга оддий бўлиб кўринган арпабодиён таркибида инсон саломатлигини мустаҳкамловчи, турли оғир касалликларга малҳам бўлувчи кўп миқдордаги эфир мойи, ёқимли ифдор,



ТАБИАТ — ДОРИХОНА

шунингдек, 85–90 % инитол, 18–20 % оксил, 20–22 % шифобахш мой, анис алдегиди, метилҳавакол, алдегиди кислотаси мавжудлиги кузатилган.

Ҳозирги замон тиббиётида арпабодиён донида қорин оғриқларини қолдириш, ошқозон-ичак фаолиятини яхшилаш, қорин дам бўлганда ел ҳайдаш, шунингдек, трахеит, ларингит, ўпка касалликлари, йирингли бронхит каби касалликларни даволовчи самарали водита сифатида фойдаланилмоқда.

Арпабодиёндан хонаки дамлама тайёрлаш учун 0,5 литр қайнаган сувга бир ош қошиқ дони солинади. Устига ёпқич ёпиб, 60 дақиқа дам едилрилгач, докада сузиб, овқат тановул қилишдан аввал 3 маҳал ярим пиёладан ичилади.

Энг қизиғи, эрта баҳорда ҳовли чеккасига 3–4 та арпабодиён уруғини селиб қўйсангиз, одамбўйи ўсиб, уруғи сентябрь ойи охирида етилади. Донини мато халтачага солиб қўйсангиз, яхши сақланади.

Ҳозирги кунда арпабодиён уруғи озиқ-овқат саноатида, ширинликлар, ҳолва ҳамда атир-упа тайёрлашда кенг миқёсда ишлатилмоқда. Новвойлар седана ўрнида фойдаланса, уй бекалари бодринг, помидор, карамларни тузлашда ва ошга зира ўрнида ҳам ишлатишади.

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ.

Қопагон

Ундан ҳамма кўрқади. Уни ҳамма ёмон кўради. Этагимнинг учи тегиб кетмасин, деб ўзини тортиб туради.

Унинг ёнида тишларининг оқини кўрсатиб ўтиришади. Гапларини маъқуллаб ўтиришади.

Йўқса, у "тишлаб" олади, "қопиб" қолади. Гоҳ сездириб қопади, биздан сездирмай.

Эҳтимол, унинг қопагон бўлишида тишининг оқини кўрсатиб ўтирган одамлар ҳам айбдордир.

Кўзгу

У жуда чиройли эди. Хуснига маҳлиё бўлиб ўтирарди. У томонга ўтса ҳам, бу томонга ўтса ҳам кўзгуга қарарди. Чиройи билан кериларди.

Аммо... Ойлар бир тутам... Йиллар бир тутам... Умр деганлари ҳам бир тутам экан...

У энди кўзгуга қарамайди. Қарашдан кўрқади. Ғижимланган сувратидан қочгани қочган.

Лола ЎРОҚОВА

АЖАБ ОЛАМ

ФАРОЙИБ ЁМҒИРЛАР

Аммо қуп-қуруқ?!

Сайёраимизда шундай фаройиб жойлар мавжудки, бу ерда ёмғирлар ҳам қуруқ бўлади. Хавонинг ҳаддан зиёд қуруқлиги ва чидаб бўлмас даражадаги жазирама сабабли шиддат билан самодан тушаётган ёмғир томчилари ергача етолмай, шундоққина бошингизга телгар-тегмас бугланиб кетади. Бундай ҳолатлар саҳроларда тез-тез кузатилади. Саҳрода ҳаво шу қадар қуруқ бўладики, қўлингиздаги газета ўз-ўзидан титилиб кетади.

Ёғиш вақти: соат 16.00



Португалиянинг шимолида ҳаво очик, осмон булутсиз бўлишига қарамаздан, ҳар кун маҳаллий вақт билан соат роппа-росса 16.00 да ёмғир ёға бошлади. Ёмғир ёғиш жараёни роппа-росса 1 соат давом этади ва тўхтаб кетди. Одамлар оммавий тарзда шу вақтда бу ерга тўпланишиб, галати ёмғир остида ивиб кетгунча сайр қиладилар. Айрим тадқиқотчилар бу ёғингарчиликнинг сабабини ҳудуд табиатидаги намгарчилик концентрациясининг салмоғи билан боғлиқ дейишса-да, бундай фаройиб ҳодисанинг асл сирини маънавий ҳалигача маълум эмас.

Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.

"Қиз бола тушган жойида туп қўйиб, палак ёёсин, ўзидан тинсин, деган ҳикматнинг асл маъносини энди англаяпман. Ҳеч кимнинг кипригида авайлаб ўстирган фарзанди узатилгач, ота уйига боши эгик қайтиб келмасин экан. Биринчи турмуш ўртоғим Акмал ака жуда яхши инсон эди. Тақдир экан-да, бизларга фарзанд кўриш насиб этмади. Иккинчи биргаликда дўхтирларга кўриндик, у бепуштак экан. Мен ажрашишни истамаганим учун бола асраб олишни маслаҳат бердим, лекин у "Ўзимга қўшиб сени ҳам бахтсиз, она бўлишдан нъматдан мосуво қилолмайман", деб кўнмади. Охири икки томон бамаслаҳат, келишган ҳолда қонуний ажрашдик. Орадан кўп ўтмай, Нодир деган кишига турмушга чиқдим ва қизчали бўлдим. Эрим уч фарзанди билан хотинидан ажрашган экан. Уйимизга совчиликка келган онаси билан ҳоласи аввалги келинини роса ёмонлаб, хиёнат қилгани учун ашлолмади, дейишганди. Тўрт ойча вақт ўтганидан кейин Нодирнинг хурмача қизилари сезила бошлади. Дардин ичимда, устига устак, бахтим чопиб хомиладор бўлдим ва ҳар қандай қийинчиликка қарамай, чидайман дедим. Шу орада аризмаган бахонада бир неча бор калтаклади, сабр қилдим. Уйдагиларимга ҳам айтмадим. Лекин қизим туғилгач, энг даҳшатлиси, унинг гиёҳванд эканини билиб қолдим ва бу ҳақда онамга айтдим. "Маийли, қизим, қандай, ўзгариб қолар", деб насиҳат қилди. Қайда, тузалди ўрнига ҳумори тутган маҳал



уйимизда қўлига илинган нарса-ни кўчага чиқариб сотишгача борди. Ниҳоят, ноилоҳ қолгач, бу турмушини ҳам бузилди. Кўзимда ёш, қўлимда болам билан яна юрагим эзилди, уйимизга қайтиб келдим.

Ёшим 36 да. Маълумотим олий. Икки ёшли қизчам бор. Ёшимга мос, диёнатли, иши тайин, уй-жойи бор, қизимга оталик меҳрини бера оладиган инсон учраса, турмушга чиқиш ниятидаман.

ГУЛНОРА,
Тошкент вилояти".

"Мақтабини тугатгач, пойтахтдаги институтлардан бирига ҳужжат топширдим. Лекин омадим чопмади ва Чимкентга қайтиб бормай, Тошкентда ишлаб бошладим. Дам олиш кунни эди, бу тасодифи ёки тақдирим, ҳозирги Миллий боғдаги қўлда қайиқда сайр қилиб юрсам, ёнимизда сузаётган бир рус қизининг сумкаси сувга тушиб кетди. Сузишни яхши билганим учун ўзимни сувга отдим ва сумкани олиб чиқдим. У роса хурсанд бўлиб раҳмат айтди ва шу бахонада яқиндан танишиб олдик. Шу-шу, у билан тез-тез учрашиб турдик ва охири бир-биримизни ёқтириб қолдик. Марина институтда ўқирди. Уйдагиларга маслаҳат солсам, аввалига роса норози бўлишди ва кейин руҳсат беришгач, уйландим ва ша-

ҳарда қолиб кетдим. Кетма-кет икки нафар қизимиз туғилди. Қизларимга кўпроқ қайнонам қарарди. Маринанинг бобоси бадавлатроқ бўлгани боис ёлғизгина набирасига тузуққина мерос қолдиришган экан. Хотиним бу бойликларни ўйламай-нетмай ишларарди. Қайнотам қазо қилгач, она-бола бутунлай ўзгариб кетди. Қизларим хорижда ўқишга кетиб, шу ёқда эрга тегишди. Қайнонам ўзи яшаб турган яхшигина уй-жойини сотиб, биз билан яшай бошлади ва энди мен ўзи уймага бегона бўлиб қолдим. Хотинимнинг ошқора миннати, қўпол муомаласи сабр косамини тўлдирди ва қонуний ажрашишга мажбур бўлдим.

Ёшим 58 да. Маълумотим ўрта махсус. Худуго шуқрки, тайинли касбим бор. Ёшимга мос, инсоний фазилатларни қадрлайдиган, уйим-жойим дейдиган, ўзбек аёлига уйланоқчиман.

КОМИЛ,
Тошкент шаҳри".

"Назира яқин бир дўстимнинг синглиси эди. Уларникига бориб-келиб юриб танишиб, ўртамизда муҳаббат пайдо бўлди. Уша пайтда Назира тиббий институтда ўқир, мен эса олий маълумотли иқтисодчи эдим. У ўқишини тугатгач, тўйимиз бўлди. Ота-онам бахтимни қўриб, роса бошлари осмонга

етди. Улар дўхтир келинини еру кўкка ишонмасди. Онам унга билмаганини кунт билан ўргатиб, ўзидай пазанда, уддабурон уй бекаси бўлишига эришди. Баҳордан то ерга қор тушганча ҳовлимиз гулу чаман бўлиб ётарди. Таниган-билганларнинг ҳаммаси бизларга ҳавас қиларди. Шу орада онам оғир хасталикка чалиниб, казо қилди. Отам эса қўшнимизнинг эрдан ажрашган қизига йиланди. Ўғай онамиз бир йил ўтар-ўтмас кескин ўзгарди ва отам билан ўртамизга совуқчилик тушира бошлади. Хотинимни, ўғлимни ёқтирмас, йўқ жойдан кунора бир баҳона топиб жанжал чиқарарди. Ўзимнинг ҳам ишдан уйга қайтишга юрагим безиллаб қолди. Бу орада ўғлим қаттиқ касал бўлиб шифохонага тушди. Фалокат устма-уст келса денг, қутилмаганда тўрт наонали уйимиз бутунлай ёниб кул бўлди. Хотиним эса бу кўргуликлар сабабини ўғай онамдан кўрарди. Назиранинг ота-онаси "Қизимизнинг

соғлиғидан айрилиб, ўттизга кирмай ўтин, юрак бағри тутун бўлишини истаймаймиз", деб уни ўғлим билан олиб кетишди. Ёлғиз ўғилман, отамни ташлаб кетолмадим. Ноилоҳ қонуний ажрашдик.

Кўп вақт ўтмай, отам хасталикка чалиниб, тўшакка ётиб қолди. Эртаси кунёқ ўғай онамиз кўч-кўронини йиғиштириб кетди. Мен эса ишимни ҳам ташлаб, уч йил отам бечорога қарадим. Пешонамда бор экан-да, отам қазо қилди. Энг оғир кунларда тоғам ёрдам берди, дўстларим қўллаб-қувватлашди. Ишим юришиб, уй-жойли бўлдим. Уларнинг маслаҳати билан қайта уйланишга қарор қилиб, "Оила ва жамият" газетасига муурожаат этгандим. Менга бухоролик Дилдоранинг телефон рақамини беришди. У олий маълумотли ўқитувчи экан. Уч-рашдик, бир-биримизга маъқул келиб, ниҳоят турмуш қурдик. Дилдора жуда самимий, меҳрибон, уйим-жойим дейдиган, ҳушмуомалали аёл экан. Қайта бахтимни топдим. Сизлардан бир умр миннатдорман.

ШЕРМУҲАММАД,
Сурхондарё вилояти".

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рўқнига хат йўллаётган ёки бево-сита муурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла қўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

